

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 339.138: 615 (575.1)

**БОБОЖОНОВ БАХРОМ РЎЗИМОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТЛАРИГА  
ТАЛАБНИ ЎРГАНИШДА МАРКЕТИНГ УСУЛЛАРИДАН  
Фойдаланиш**

08.00.11-Маркетинг

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
илмий даражасини олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: Д.Х. Набиев иқтисодиёт  
фанлари доктори, профессор

Тошкент – 2023

1247

## МУНДАРИЖА

Кириш. ....	3
<b>I БОБ. МАҲАЛЛИЙ ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБНИ ЎРГАНИШДА МАРКЕТИНГ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>13</b>
1.1. Фармацевтика товарлари бозорининг ўзига хос хусусиятлари ва унда маркетинг концепцияларининг шаклланиши .....	13
1.2. Маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари бозори ва истеъмолчилар хулқ-атворини ўрганиш хусусиятлари .....	23
1.3. Фармацевтика маҳсулотлари бозорида мижозлар билан муносабатларни бошқаришнинг услубий асослари.....	35
I боб бўйича хулоса.....	50
<b>II БОБ. МАҲАЛЛИЙ ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБНИ ЎРГАНИШДА МАРКЕТИНГ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....</b>	<b>52</b>
2.1. Ўзбекистонда фармацевтика маҳсулотлари бозорининг ривожланиш ҳолати таҳлили .....	52
2.2. Дори-дармон чакана савдоси шаҳобчаларида мижозлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш .....	69
2.3. Маҳаллий фармацевтика маҳсулотларига талабни шаклланиш ҳолати таҳлили .....	81
II боб бўйича хулоса .....	88
<b>III БОБ. МАҲАЛЛИЙ ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБНИ ЎРГАНИШДА МАРКЕТИНГ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ.....</b>	<b>91</b>
3.1. Фармацевтика корхоналарида мижозларга йўналтирилган маркетингни бошқариш тизимини такомиллаштириш .....	91
3.2. Фармацевтика корхоналарида мижозлар билан муносабатларни бошқаришда рақамли маркетинг коммуникацияларидан фойдаланишни такомиллаштириш.....	102
3.3. Фармацевтика корхоналарида мижозлар билан муносабатлар маркетинги стратегияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.....	111
III боб бўйича хулоса .....	128
Хулоса. ....	130
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	133
Иловалар .....	144

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон фармацевтика саноати инсон соғлиғини сақлаш тизимининг барқарор ривожланишини таъминловчи муҳим ижтимоий аҳамиятга эга соҳа ҳисобланиб, уни ривожлантириш айниқса COVID-19 пандемияси шароитида барча мамлакатлар учун энг долзарб йўналишлардан бирига айланди. «Жаҳон фармацевтика бозорининг салмоғи сўнгги 10 йилда йилига ўртача 2,5 фоиздан ўсди»<sup>1</sup>. Сўнгги ўн йил ичида фармацевтика маҳсулотлари бозори маркетинг инновациялари асосида шаклланиб, ривожланиб бормоқда. Натижада фармацевтика бозоридаги рақобат муҳити жиддий мураккабланимоқда. Рақобатли фармацевтика бозорида ишлаётган корхонадан ўз савдо фаолиятини доимий равишда такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, маркетинг тадқиқотларининг самарали усулларидан фойдаланишга эътибор қаратиш, замонавий маркетинг усулларидан фойдаланиш асосида тўғридан-тўғри маркетинг элементларини қўллаш орқали истеъмолчиларга ёрдам беришнинг технологик, бошқарув ва савдо функцияларини яхшилаш талаб этилмоқда.

Жаҳон амалиётида фармацевтика маҳсулотларига талабни ўрганишда маркетинг усулларидан фойдаланиш ва истеъмолчиларнинг хулқ-атворини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, истеъмолчиларнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини таҳлил ва прогноз қилиш, уларнинг бозордаги хулқ-атворини белгиловчи омилларни аниқлаш ва шу асосда маркетинг воситалари комплексини ишлаб чиқиш ва унинг таркибий қисмларини мослаштириш, рақобат устунликларини таъминлашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон фармацевтика бозорида маҳаллий корхоналарнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш истеъмолчиларни сегментациялаш,

---

<sup>1</sup> Обзор тенденций на глобальном и российском фармацевтическом рынке. - <https://fs.moex.com/files/14283>